

“ORENBUDJET” ПОРТАЛИ ОРҚАЛИ ЮҚОРИ ОВОЗ ТЎПЛАГАН “МАДАНИЯТ” МФЙДА 1.02 КМ КЎЧАСИГА АСФАЛЬТ ЁТҚИЗИЛДИ



Олтинсой туман 12-Маданият округи депутати Дилмурод Соатов, Маданият МФЙ раиси Акмал Саломов ҳамда маҳалла фаоли Чори Тоғайназаровлар ташаббуси ва аҳолининг овоз бериши натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.04.2021 йилдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072 қарорига асосан бюджет ҳаражатларининг 5 фоизи жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган маблағлар ҳисобидан “orenbudjet” портали орқали юқори овоз тўплаган “Маданият” МФЙда 1.02 км маҳалла кўчасига асфальт ётқизилди.